

## САЙИД АСФАНДИЁРХОН ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ.

“Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси

“Хукмдор ва шоир” бўлими

Катта илмий ходими: **Исраилова Раъно.**

**Аннотация:** Ушбу мақолада 1910 ва 1918 йилларда Хива ҳонлиги таҳтида ўтирган Сайид Асфандиёрхоннинг ҳаёти ва фаолияти ёритилади.

**Калит сўзлар:** Муҳаммад Раҳимхон II, Асфандиёрхон, Фарруҳ, бегор, ислоҳот дастури, тилгирамхона, касалхона, шаҳзода Алексей, Нуруллабой саройи,



Асфандиёр ёшлигидан юввош, ҳалим бўлиб ўсади. Хива қозиси Муҳаммадсолих охунддан дин илмини ўрганиб, Иброҳим хожа тарбиясида камол топади. Яхши маълумот олган Асфандиёр Фарруҳ (гўзал, шод, қутлуғ) тахаллуси билан шеърлар ёзди. Отаси Муҳаммад Раҳимхон II ўғлининг бу тариқа фаросатли ақл эгаси бўлганидан севиниб, уни ўзига валиаҳд (тожу таҳт меросхўри) этиб тайинлади, рус подшоси ҳам буни маъқуллайди. Ферузшоҳ Асфандиёр ёшлигидан турли қасбларни ўрганиши учун кенг йўл очиб қўйган. Отаси уни савдогарларга қўшиб қўйиши натижасида Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Кобул ва Россия шаҳарларига бориб келган. Заргарлик ҳунарини мукаммал билган. Татар

Сайдашовлар билан яқындан алоқада бўлиб, ўзгараётган замон маълумотлари билан танишиб борган.

Асфандиёрхон 1910 йилда отамерос тахтини эгаллаганидан сўнг амалдорларни аввалги ўринларида барқарор этди. Ислом хожа янги вазири акбар - улуғ вазир мансабига тайинланди. Ясовулбоши Қутлугмуродбийнинг қарилигини ҳисобга олиб уни бу мансабдан озод қилдилар ва ўрнига хоннинг дўсти Шайхназарбой Матмурод ўғли ясовулбоши этиб тайинланди.

Асфандиёрхон хонлик даврини янгиликлардан бошлади. Унинг фармони билан хонлик аҳолиси қадимдан келаётган бегор (йилига ҳар киши давлат учун 12 кун бепул ишлаб бериши), 2,5 танга солиқ тўлаш, йилига 2 танга миқдорда сув солиғи тўлашдан озод қилинди. Яна солиқларнинг бир неча тури қисқартирилди. Хон: «Бу ишлар учун халқимиз беш вақт намозни канда қилмасин ва мамлакатимиз равнақи учун дуо қилсинлар», - деди<sup>1</sup>.

Асфандиёрхоннинг янги фармони кучга кириб, солиқлар бир мунча камайтирилган, ободончилик ишлари олиб борилган ўша йилнинг ўзида Ислом хўжа хонликда олиб борилиши зарур бўлган ислохотлар режасини ишлаб чиқди. Ислохот дастури 10 банддан иборат бўлиб, ўша вақт учун тараққийпарварлик мезонлари асосида ишлаб чиқарилади. Исфандиёрхон дастурни кўздан кечириб, 10 бандни ҳам тасдиқлаган.

### Ислохот қуйидагилардан иборат эди:

1. Амалдорларга вазифа бермак тўғрисида.
2. Ернинг ва ер маунатининг(солиқ) тартиби.
3. Закот олмоқ тўғрисида.

<sup>1</sup> Комилжон Худойберганов. “Хива хонлари шажараси”. Хива 1996 й. 83-бет.

4. Бозор маунати тўғрисида.
5. Ер сугоратурғон сув тўғрисида.
6. Йўлларни тузатмак ва тилгираф бино этмак тўғрисида.
7. Касал одамларга давоий этмак тўғрисида.
8. Вақф ерларини борламоқ тўғрисида.
9. Ўқув тўғрисида.
10. Хива хонининг даромади тўғрисида.

Ушбу ислоҳотларни ўтказилиши хонликда қатъий тартиб интизом ўрнатиш, давлат мулкини талон тарож қиласлиқ, солиқ тўловчиларнинг уни ўзлаштириши, авваллари солиқ туфайли келиб чиқадиган исёнларнинг олдини олишга сабаб бўларди.

Асфандиёрхон Иchanқalъанинг шимолий томонидаги вайрона бўлиб ётган ерларни обод қилиб, уни Тоза Хивақ номи билан аташга фармон берди. Отажон девонга Дишанқalъанинг Урганч дарвозаси деб аталадиган орқа (шимолий) дарвозасини йикдириб, ўрнига Кўша дарвоза қурдиришни буюрди. Яна шу дарвоза яқинида йўл устида бир тилгирамхона бино қилмоқни Отажон девонга, унинг шарқ томонида бир ғоят катта доруш-шифо қурдиришни Раҳимберганга буюрди. Асфандиёрхон халқим узоқ-яқинидан хабар олишни истаса, тилгирамхонадан фойдалансин, bemорлар турк табибларига пул харж қilmай, янги касалхонада шифо топгайлар деб ният қилди<sup>2</sup>.

Бир-бирига қаратиб, қўш қилиб қурилган почтахона ва хастахона чиройли кошинлар билан безатилди. Касалхона пештоқига ўзбек ва рус тилларида кўк кошин плиткаларига шундай сўзлар ёзилди: «Подшоҳи аъзам императури ҳазратларининг валиаҳдлари шаҳзода улуғ князъ Алексей Никулаевич жаноб

<sup>2</sup> Комилжон Худойберганов. “Хива хонлари тарихидан”. Урганч 2008 й. 167-бет.

олийнинг номларига Саййид Асфандиёрхоннинг тарафларидан Тоза Хивақда бино этилган хастахона. 1331 йил хижрийда.

Хивинская больница имени наследника Алексея основанная его высочествомъ Сеидъ Эсфендиарь Багадур ханомъ въ 1912 г.<sup>3</sup>»

Шаҳзода Алексейнинг номи Хивада қурилган касалхона пештоқига ёзилишининг сабаби шундай деб гапиришади хивалик қариялар. 1910 йилда Асфандиёрхон, Ислом хожа ва бошқа аркони давлатлар Петербургга бож тўлаш учун боришидади. Рус подшоси Николай II қабулида бўлган хиваликларнинг бу ташрифи шаҳзода Алексейнинг туғилган куни муносабати билан берилаётган зиёфатга тўғри келади. Шунда ақлли ва донишманд Ислом хожа хижолатдан чиқиши учун Николай II га: «Биз бундай байрамга келишимизни билмабмиз. Билганимизда муносиб совга олиб келардик. Орадаги йўл узоқ, агар бизда ҳам сиздагидек тилгирамхона бўлганда, бир-биримиз билан алоқамиз яхши бўлиб, бўлаётган воқеалардан бир-биримизни огоҳ қилиб турар эдик. Энди бизга рухсат этсангиз, шаҳзода Алексейнинг номига шаҳримизда бир катта касалхона қурдирсак. Токи унда даволанган киши шаҳзодага дуо қилиб, унинг ҳам соғайиб кетишини тиласалар», - деди. Асфандиёрхон ўзи ясаб, тилладан нақшлар қўйган бир қилични шаҳзода Алексеяга совға қиласади. У совгадан ниҳоятда шодланган шаҳзодани қўрган Николай II бож учун олиб борилган пулларни қайтариб олиб кетишиларини ва унга Хивада тилгирамхона ва касалхона қуришларини буюради. Касалхонага бир эркак ва бир аёл рус дўхтирлари чақирилган эди. Улар келиб, шартнома асосида иш бошладилар<sup>4</sup>.

1911-1913 йилларда Нуруллабой саройи деб ном олган ниҳоятда чиройли меҳмонхона биносини қурдирди. Унинг қурилишига Ислом хожа раҳбарлик қилди. Меҳмонхона етти хонадан иборат бўлиб, европача шаклда қурилган.

<sup>3</sup> Комилjon Худойберганов. “Хоразм хонлари”. Тошкент 2019 й. 177-бет.

<sup>4</sup> Қурбонбой Холиков, Комилjon Худойберганов. “Хоразм қўнгирот иноклари шажараси”. Тошкент 2021 й. 254-бет.

Унинг архитектори А.М.Рооп деган рус фуқаросини Ислом хожа Москва шаҳрининг ҳокими Н.И.Гучковнинг тавсияси билан Хивага олиб келган эди. Мехмонхона паркет поллари, эшик ва деразаларини оқмачитлик (Хивадан 15 км жа- нуби-шарқдаги қишлоқ) немис усталар, ганч ўймакорлик ишларини маҳаллий усталар бажардилар. Ҳар хонасидаги Европадан келтирилган чинни печкаларни рус усталари қурдилар. Волгабўйидан чақиртирилган Мусо Сабанович Янгиўрозов хонликда биринчи марта электр лампочкасини шу ерда ёқди. Мехмонхона битиши муносабати билан Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммадрасул Мирзо бир таърих битган эди. Бу таърих мармар тошга Худойберган муҳркан томонидан ўйиб ёзилган ва меҳмонхона ёзги эшиги устига ўрнатилган.

Асфандиёрхон 1918 йилда вафот қиласди. У ўзи учун онасининг қабри ёнида бир қабр тайёрлатиб қўйган эди. Лекин унинг жасадини Дишанқалъанинг ичкарисида «Хоразмшоҳлар масжиди»- даги қабрга дағн қилишган. Сабаби, Хива шаҳрининг қадимдан келаётган бир одати бўлиб, унга асосан Иchanқалъага ундан ташқарида ўлган киши жасадини қўйишмаган. Шунинг учун ҳам Асфандиёрхон ўзи тайёрлатган жойга дағн қилинмаган. Асфандиёрхондан Темурғози тўра, Тоҳир ва Зухро, Сайид Муҳаммад тўра, Ўғилжонбика исмли фарзандлар дунёга келган, Темурғозий ва Тоҳир тўралар инқилобдан олдин вафот этишган. Сайид Муҳаммад тўрани 1938 йилда 25 ёшида «хоннинг ўғлисан» деб отиб ташлашган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Лаффасий. “Тазкираи шуаро” Урганч 1992 йил.
2. Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул “Феруз” 2011 йил.
3. Абдурасолов А. Хива. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
4. Комилжон Худойберганов. “Хива хонлари шажараси”. Хива 1996 й.
5. Комилжон Худойберганов. “Хива хонлари тарихидан”. Урганч 2008 й.
6. Комилжон Худойберганов. “Хоразм хонлари”. Тошкент 2019 й.

7. Курбонбой Холиков, Комилжон Худойберганов. “Хоразм қўнғирот иноқлари шажараси”. Тошкент 2021 й.

